

Закот қуйидагиларга сарфланади:

Фақир, яъни нисобдан оз моли бор одамга. Мискин, яъни ҳеч нарсаси йўқ кишига.

Закот омилига амали миқдорича берилади.

Мукотабга бўйнини озод қилиши учун ёрдам берилади.

Қарзидан ортиб қолган моли нисобга етмайдиган қарздорга берилади.

Аллоҳнинг йўлида, яъни Абу Юсуфнинг наздида ғозийларнинг фақирларига ва Муҳаммаднинг наздида ҳожиларнинг фақирларига берилади.

Ва ибн сабийлга, яъни моли бор-у, лекин ўзи билан бўлмаган (мусофир) шахсга берилади.

Бас, закотни барча синфларга ёки баъзисига мулк қилиб берилади. Орасида туғиш ва эр-хотинлик алоқаси борларга, ўзининг қулига, бир қисмини озод қилган қулига, бойга, унинг қулига ва кичик ёшдаги боласига, Бану Ҳошимга, уларнинг мавлоларига ва зиммийга эмас. Унга (зиммийга) закотдан бошқасини берса бўлади.

Агар закотни ҳақдор деб ўйлаган шахсга берса-ю, кейин у ўзининг қули экани аён бўлса, закотни қайтадан (ҳақдорларга) беради.

Агар бошқа монелар зоҳир бўлса, қайтадан бермайди.

Ҳақдорга бир кун тиланчилик қилишидан беҳожат қиладиган миқдорда закот бериш мандубдир.

Қарздор бўлмаган фақирга нисоб миқдорида закотдан бериш ва уни бошқа юртга олиб бориб бериш макруҳдир. Яқин кишисига ёки ўз юрти аҳлидан кўра муҳтожроқ қавмга олиб бориб берса, макруҳ эмас.

Аввалги бобларда қайси молдан қай тарзда ва қанча закот олиниши ҳақида батафсил сўз юритдик. Энди тўпланган закот кимларга ва қай тартибда берилиши ҳақида сўз юритамиз.

Аллоҳ таоло:

«Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга, унда (садақа ишида) ишловчиларга, қалблари улфат қилинадиганларга, қулларга, қарздорларга, Аллоҳнинг йўлига ва йўқсил йўлчига Аллоҳ томонидан фарз қилингандир. Ва Аллоҳ ўта билувчидир, ўта ҳикматлидир», деган (Тавба сураси, 60-оят).

Ушбу ояти каримада мусулмонларнинг молларидан чиқарилган закотни олишга кимлар ҳақдор экани очиқ ва аниқ баён қилиб берилмоқда. Бу оятда зикр қилинган саккиз тоифа закотнинг ҳақдорлари ҳисобланади, уларга бирорта бошқа синфни қўшиб ҳам бўлмайди, мавжуд синфлардан бирортасини камайтириб ҳам бўлмайди. Бу ишни Аллоҳ таоло Ўз зиммасига олгандир. Ҳатто Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бу ишга дахл қила олмаганлар ва қилмаганлар ҳам.

Келинг, бу ҳақда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларидан эшитиб кўрайлик:

مَلَّ هَلْ لَانِ! لَقَوْفَ: لَقَدْ صَلَا نَمَّ لَسَوَّهِ لَعَلَّ لَ صَّيْبِنِ لَ لَأَسَي لَجَرَ عَج
ءَازَجَ أَيْ نَمَّ ثَاهَازَجَفَ، وَهُوَ أَهِي فَمَكَحَ سَحَ، تَأَقَدَّصَلَا يَفِ هَرِيغَ أَلَوَّي بَنَ مَكُجَبَ ضَرِي
دُوَادُ وَبَاهَاور. «كَقَحَ كُتَيْ طَعْلَازَجَ أَلَا كُلتَ نَمَ تَنُكُ نِإِفَ

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан садақадан беришларини сўраб келди. Бас, у зот:

«Албатта, Аллоҳ садақаларда Набийнинг ва бошқанинг ҳукмига рози бўлмади. Ҳаттоки у (закот) ҳақида Унинг Ўзи ҳукм қилди. Уни саккиз жузга бўлди. Агар сен ўша жузлардан бўлсанг, ҳақингни бераман», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, қачон, қаерда ва кимлар бўлса ҳам, молу мулкни жамлашда ихтилоф, келишмовчилик бўлмайди. Ҳамма рози бўлсин, норози бўлсин, чекига тушган улушни бераверади. Аммо тўпланган молни тақсимлаш мушкул масала. Ҳамма уруш-жанжал шу ердан чиқади. Ҳар ким ўзини мазлум сезади. Улуш тегмай қолганлар у ёқда турсин, улуш текканлар ҳам «Менга оз тегди», дейишга ўтади.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.